ALSKOM®

SUG'URTA KOMPANIYASI

СТРАХОВАЯ КОМПАНИЯ

20 Yil

Лет

**Sug'urta bozorida ishonchli hamkor**

*Надёжный партнёр на страховом рынке*

# YILLIK HISOBOT ▪ ГОДОВОЙ ОТЧЕТ

# 2015

ALSKOM®

SUG'URTA KOMPANIYASI
СТРАХОВАЯ КОМПАНИЯ

20 Yil
Лет

Sug'urta bozorida ishonchli hamkor
*Надёжный партнёр на страховом рынке*

YILLIK HISOBOT ▪ ГОДОВОЙ ОТЧЕТ
2015

# Мундарижа

Мижозлар ва ҳамкорларга мурожаат 4

Компания ҳақида маълумот 6

Компания фаолиятидаги муҳим воқеалар 10

Компаниянинг 20 йиллик фаолияти йиғма кўрсаткичлари 20

Компаниянинг ташкилий тузилмаси 21

Суғурта фаолияти 22

- Мулкий суғурта 26
- Транспорт суғуртаси 27
- Шахсий суғурта 29
- Банк суғуртаси 31
- Жавобгарлик суғуртаси 32

Суғурта даъволарини бартараф этиш 33

Ҳудудларда суғурта фаолияти 36

Инвестиция фаолияти 39

Молиявий кўрсаткичлар 41

Бухгалтерия баланси 43

Аудитор хулосаси 44

Ахборот технологиялари ва ахборот хавфсизлиги 45

Кадрлар салоҳияти 48

Лицензия, сертификатлар ва ҳамкорларнинг миннатдорчилиги 50

«Компания ҳаётидан лавҳалар» фотогалереяси 55

Компания манзиллари 60

# Содержание


| | |
|---|---|
| Обращение клиентам и партнерам | 4 |
| Информация о Компании | 6 |
| Важные события в деятельности Компании | 10 |
| Сводные показатели за 20 лет деятельности Компании | 20 |
| Организационная структура Компании | 21 |
| Страховая деятельность | 22 |
| Имущественное страхование | 26 |
| Транспортное страхование | 27 |
| Личное страхование | 29 |
| Банковское страхование | 31 |
| Страхование ответственности | 32 |
| Урегулирование страховых претензий | 33 |
| Страхование в регионах | 36 |
| Инвестиционная деятельность | 39 |
| Финансовые показатели | 41 |
| Бухгалтерский баланс | 43 |
| Аудиторское заключение | 44 |
| Информационные технологии и информационная безопасность | 45 |
| Кадровый потенциал | 48 |
| Лицензии, сертификаты и отзывы партнеров | 50 |
| Фотогалерея «Кадры из жизни Компании» | 55 |
| Реквизиты Компании | 60 |

## Мижозлар ва ҳамкорларга мурожаат

*Ҳурматли мижозлар ва ҳамкорлар!*

Жорий йилда Компаниямиз ташкил этилганига 20 йил тўлмоқда. Биз Компания фаолияти тарихидаги ушбу муҳим воқеани алоҳида қадрлаймиз ва нишонлаймиз. Ушбу ҳисоботда биз нафақат 2015 йил якунларини, балки Компаниянинг 20 йиллик фаолияти давомида эришилган натижаларини акс эттиришга ҳаракат қилдик.

Ўтган даврнинг муҳим натижаси шуки, Компания бугунги кунда Ўзбекистон суғурта бозорида ўзининг мустаҳкам ўрнини эгаллади. Бунга бизнесни кенгайтириш ва ривожлантиришга қаратилган муваффақиятли стратегиянинг амалга оширилиши сабаб бўлди. Таъкидлаш лозимки, Компания ўз фаолиятини атиги 10 млн. сўмлик капитал билан бошлаб, ҳозирги кунда унинг активлари 43 млрд. сўмга етди, шакллантирилган устав капитали эса 3,8 млн. еврога эквивалент суммани ташкил қилади.

Компания молиявий салоҳиятининг салмоқли ўсиши унинг фаолиятини тез кенгайтиришга имкон яратди. Бугунги кунда Компаниянинг ҳудудий тармоғи 15 та филиал ва деярли 100 та бўлинмалардан ташкил топган. Ходимлар сони 430 тага етди, шундан 82 таси бош офисда ва 348 таси ҳудудий бўлинмаларда фаолият юритмоқда.

Муҳим ютуқлардан бири, бу Компания инвестициявий жозибадорлигининг ортганлигидир. Фонд бозорида Компания акцияларига бўлган катта талаб ва юқори котировкалар бунга яққол далилдир. Компаниянинг акциядорлари орасида миллий акциядорлар билан бир қаторда хорижий, шу жумладан узоқ хориждан ҳам инвесторлар мавжуд.

Умуман, 20 йил муддат ичида «ALSKOM» суғурта компанияси кичиккина кэптив суғурта ташкилотидан Ўзбекистоннинг йирик универсал суғурталовчиларидан бирига айланди. Ҳозирда Компания йиғилган суғурта мукофотлари ҳажми, сотилган суғурта полислари сони, мижозлар сони, ҳудудий бўлинмалар сони, моддий-техник таъминоти ва бошқа бир қатор кўрсаткичлар бўйича Ўзбекистоннинг нодавлат суғурта ташкилотлари орасида етакчи ўринни эгаллаб келмоқда.

Компаниянинг мазкур ютуқлари бир неча авлод ходимлар ва раҳбариятининг ҳамжиҳатликдаги фаолияти, юқори малака ва ижодий салоҳияти маҳсулидир.

Ишонч билан айтиш мумкинки, бугунги «ALSKOM» бренди Ўзбекистоннинг етакчи суғурта компаниялари билан рақобат қилишга қодир, бизнеснинг барқарорлиги ва ишончнинг ортиб бориши эса унинг Ўзбекистон суғурта бозорида тан олинганлигини ифодалайди.

Ўз фаолиятини жадал ривожлантириб, Компания асосий эътиборни бозор сегменти ва мижозлар базасини кенгайтиришга қаратмоқда. Бу эса биринчи навбатда сервисни ривожлантириш йўли билан хизматлар сифатини ошириш ва фаолиятни такомиллаштиришни талаб этади. Шу сабабдан Компания ҳудудий тармоқни кенгайтириш, қўшимча хизматларни яратиш ва инновацион суғурта маҳсулотларини жорий қилиш устида доимий иш олиб боради.

Компаниянинг юқори интеллектуал ва молиявий салоҳиятининг мавжудлиги истиқболга қўйилган мақсадларга эришиш ва Компанияни Ўзбекистон суғурта бозорининг профессионал қатнашчиси сифатида етакчи ўринларга чиқишини таъминлайди.

Фурсатдан фойдаланиб, Компания жамоаси ўз акциядорлари ва ҳамкорларига кўрсатилаётган юқори ишонч учун миннатдорчилик билдиради.

**Ҳурмат билан,**

**Компания раҳбарияти**

# Обращение клиентам и партнерам



*Уважаемые клиенты и партнеры!*

В текущем году исполняется 20 лет со дня основания нашей Компании. Мы особо празднуем и отмечаем это знаменательное событие в истории деятельности Компании. В данном отчете мы постарались отразить не только итоги 2015 года, но и достигнутые результаты за 20 лет деятельности Компании.

Главным результатом пройденного этапа является то, что Компания сегодня имеет свою прочную позицию на страховом рынке Узбекистана. Этому способствовала успешно реализованная стратегия по расширению и развитию бизнеса. Следует отметить, что Компания начала свою деятельность с капиталом в размере всего лишь 10 млн. сум, в настоящее время ее активы достигли 43 млрд. сум, а сформированный уставный капитал составляет сумму, эквивалентную 3,8 млн. евро.

Значительный рост финансового потенциала Компании позволил резко расширить ее деятельность. На сегодняшний день региональная сеть Компании состоит из 15 филиалов и около 100 отделений. Численность персонала достигла 430 единиц, из них 82 работают в головном офисе, 348 в региональных подразделениях.

Одним из существенных достижений можно констатировать повышение инвестиционной привлекательности Компании, о чем свидетельствует большой спрос и высокие котировки акций Компании на фондовом рынке. В числе ее акционеров, наряду с отечественными, выступают и зарубежные инвесторы, в том числе из дальнего зарубежья.

В целом, за 20 летний период страховая компания «ALSKOM» из скромной кэптивной страховой организации превратилась в одного из крупнейших универсальных страховщиков Узбекистана. Сегодня Компания лидирует среди негосударственных страховых организаций Узбекистана по сбору страховых премий, количеству реализованных полисов страхования, количеству клиентов, количеству территориальных подразделений, материально-техническому обеспечению и ряду других показателей.

Все эти успехи Компании стали возможны благодаря слаженной работе, высокому профессионализму и творческому потенциалу нескольких поколений сотрудников и руководства Компании.

Можно с уверенностью сказать, что нынешний брэнд «ALSKOM» в силе конкурировать с ведущими страховыми компаниями Узбекистана, а динамичность бизнеса и рост доверия – свидетельство ее признания на страховом рынке Узбекистана.

Стремительно развивая свою деятельность, Компания делает основной упор на расширение как сегмента на рынке, так и клиентской базы. А это обуславливает в первую очередь повышение качества услуг и совершенствование деятельности путем развития сервиса. Поэтому Компания постоянно работает над расширением своей региональной сети, созданием дополнительных сервисных служб и внедрением инновационных страховых продуктов.

Наличие высокоинтеллектуального и финансового потенциала Компании обеспечивает достижение поставленных на перспективу целей и вывода Компании на передовую позицию как профессионального участника рынка страховых услуг Узбекистана.

Пользуясь случаем, коллектив Компании благодарит своих акционеров и партнеров за оказываемое ей высокое доверие.

**С уважением,**

**Руководство Компании**

ALSKOM®

SUG'URTA KOMPANIYASI

СТРАХОВАЯ КОМПАНИЯ

20 Yil

Лет

**Sug'urta bozorida ishonchli hamkor**

*Надёжный партнёр на страховом рынке*

# КОМПАНИЯ ҲАҚИДА МАЪЛУМОТ

# ИНФОРМАЦИЯ О КОМПАНИИ

YILLIK HISOBOT ▪ ГОДОВОЙ ОТЧЕТ

2015

Ташкил этилган вақти – 1996 йил сентябр.

Компания:

- Ўзбекистон суғурта бозори профессионал иштирокчилари Уюшмасининг аъзоси;
- Ўзбекистон IT-ассоциацияси аъзоси;
- Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш бўйича тўловларни кафолатлаш Жамғармаси аъзоси;
- Ўзбекистон Миллий суғурта пули қатнашчиси;
- Иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш бўйича Суғурта пули қатнашчиси;
- Ташувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш бўйича Суғурта пули қатнашчиси.

Асосий фаолияти – Суғурта. Компания Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг лицензиясига (30.12.2015 йилдаги СФ №00211-сонли) мувофиқ умумий суғурта тармоғининг 13 та класси бўйича 70 дан ортиқ ихтиёрий ва мажбурий суғурта хизматларини кўрсатади.

Қўшимча фаолият тури – инвестиция.

Шакллантирилган устав капитали 3 818 226,10 евро эквивалентига тенг.

Компания акциядорлари:

- Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ташкилотлари, шу жумладан:
  - «Ўзбектелеком» АК.
  - «Электромагнит мослашув маркази» ДУК.
  - Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш Жамғармаси.
  - Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация соҳасида назорат бўйича давлат инспекцияси ва бошқалар.
- АТ «Алокабанк».
- ХКИАТ «Хамкорбанк».
- «Ишонч» БСК.
- «Ўзбекинвест» ЭИМСК.
- «Delta Leasing» МЧЖ.
- «Страховая Компания «Согласие» МЧЖ (Россия Федерацияси).
- Ansher Investments LLP (Буюк Британия).
- Diamond Age Russian Investments Ltd (Кипр Республикаси).
- Bluecourt Investments LLP (Буюк Британия).
- Жисмоний шахслар ва бошқалар.

Компания бошқаруви:

| | |
|---|---|
| олий орган | – Акциядорлар умумий йиғилиши; |
| умумий раҳбарият | – Кузатув кенгаши; |
| ижрочи орган | – Бош директор; |
| назорат органлари | – Тафтиш комиссияси,<br>Корпоратив маслаҳатчи,<br>Ички аудит хизмати,<br>Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича Ички назорат хизмати. |

Ҳудудий тармоқ:

Компания Республиканинг барча вилоятлари ва Қорақалпоғистон Республикасида кенг тарқалган ҳудудий тармоғига эга. Ушбу тармоқ орқали Компания Ўзбекистоннинг барча ҳудудларида суғурта хизматларини кўрсата олади.

Рейтинглар:
«SAIPRO» рейтинг агентлиги томонидан тақдим этилган «uzA +» – жуда юқори молиявий ишонч» рейтинги.
«Prime Rating» рейтинг агентлиги томонидан тақдим этилган «А – юқори ишончлилик даражаси» рейтинги.

Рэнкинглар:
«SAIPRO» рейтинг агентлиги маълумотларига кўра, Компания 2015 йил якуни бўйича Ўзбекистон суғурта бозорида тузилган суғурта шартномалари сони, суғурта мукофотлари ва тўловлари ҳажми бўйича етакчи ўнликда жой олган.
Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш бўйича тўловларини кафолатлаш Жамғармаси маълумотларига кўра, Компания 2015 йил якунларига кўра транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тури бўйича сотилган полислар сони ва йиғилган суғурта мукофотлари ҳажми бўйича 4-ўринни эгаллади.

Жамоатчилик мукофотлари:
Компания қуйидаги мукофотлар совриндори саналади:
- «Ўзбекистоннинг етакчи суғурта компанияси» (мукофот Учинчи халқаро инвестиция форуми доирасида топширилган. Тошкент, 2008 йил);
- «Суғурта фаолиятининг ривожланиш суръати бўйича пешқадам» номинацияси бўйича «Олтин Соябон» мукофоти (мукофот «Ўзбекистонда суғурта бизнеси: ҳолати, истиқболлари ва унинг ОАВда ёритилиши» форуми доирасида топширилган. Тошкент, 2008 йил);
- «Энг яхши инновацион суғурта маҳсулоти» номинацияси бўйича «Ахборот хавфларини суғурталаш» маҳсулоти учун «Олтин Соябон» мукофоти (мукофот 2 маротаба – 2008 ва 2009 йиллар якунларига кўра Тошкент халқаро суғурта форуми доирасида топширилган).

Год создания – сентябрь 1996 года.

Компания является:
- членом Ассоциации профессиональных участников страхового рынка Узбекистана;
- членом IT-ассоциации Узбекистана;
- членом Фонда гарантирования страховых выплат по обязательному страхованию гражданской ответственности владельцев транспортных средств;
- участником Национального страхового пула Узбекистана;
- участником Страхового пула по обязательному страхованию гражданской ответственности работодателя;
- участником Страхового пула по обязательному страхованию гражданской ответственности перевозчика.

Основная деятельность - Страхование. В соответствии с лицензией Министерства финансов РУз (СФ № 00211 от 30.12.2015 г.) Компания предоставляет более 70 разновидностей добровольных и обязательных страховых услуг по 13 классам страхования в отрасли общего страхования.

Дополнительный вид деятельности – инвестиционная.

Сформированный уставный капитал составляет сумму, эквивалентную 3 818 226,10 евро.

Акционеры Компании:

- Предприятия Министерства по развитию информационных технологий и коммуникаций Республики Узбекистан, в том числе:
  - АК «Узбектелеком».
  - ГУП «Центр электромагнитной совместимости».
  - Фонд развития информационно-коммуникационных технологий.
  - Государственная инспекция по надзору в сфере связи, информатизации и телекоммуникационных технологий и др.

- АК «Алокабанк».
- АК «Хамкорбанк».
- МСК «Ишонч».
- НКЭИС «Узбекинвест».
- ООО «Delta Leasing».
- ООО Страховая Компания «Согласие» (Российская Федерация).
- Ansher Investments LLP (Великобритания).
- Diamond Age Russian Investments Ltd (Республика Кипр).
- Bluecourt Investments LLP (Великобритания).
- Физические лица и др.

**Управление Компанией:**

| | |
|---|---|
| высший орган | – Общее собрание акционеров; |
| общее руководство | – Наблюдательный совет; |
| исполнительный орган | – Генеральный директор; |
| контролирующие органы | – Ревизионная комиссия,<br>Корпоративный консультант,<br>Служба внутреннего аудита,<br>Служба внутреннего контроля по противодействию легализации доходов, полученных от преступной деятельности, и финансированию терроризма. |

**Региональная сеть:**

Компания имеет разветвленную региональную сеть в Республике Каракалпакстан и во всех областях Республики, с помощью которой Компания способна оказывать страховые услуги по всей территории Узбекистана.

**Рейтинги:**

«uzA +» – очень высокая финансовая надежность», присвоенный рейтинговым агентством «SAIPRO».
«A – высокий уровень надежности», присвоенный рейтинговым агентством «Prime Rating».

**Рэнкинги:**

Согласно данным рейтингового агентства «SAIPRO», Компания по итогам 2015 года входила в лидирующую десятку страховых организаций Узбекистана по количеству заключенных договоров страхования, объему собранных страховых премий и объему страховых выплат.
Согласно данным Фонда гарантирования страховых выплат по обязательному страхованию гражданской ответственности владельцев транспортных средств, Компания по итогам 2015 года заняла 4-место по количеству реализованных полисов и объему собранных страховых премий по обязательному страхованию гражданской ответственности владельцев транспортных средств.

**Общественные награды:**

Компания является обладателем премий:

- «Ведущая страховая компания Узбекистана» (премия вручена в рамках Третьего ежегодного международного инвестиционного форума. Ташкент, 2008 год);
- «Олтин Соябон» в номинации «Лидер по динамике развития страховой деятельности» (премия вручена в рамках форума «Страховой бизнес в Узбекистане: состояние, перспективы и их освещение СМИ». Ташкент, 2008 год);
- «Олтин Соябон» в номинации «За лучший инновационный страховой продукт» за страховой продукт «Страхование информационных рисков» (премия вручена дважды по итогам 2008 и 2009 года в рамках Ташкентского международного страхового форума).

ALSKOM®
SUG'URTA KOMPANIYASI
СТРАХОВАЯ КОМПАНИЯ

20 Yil
Лет

Sug'urta bozorida ishonchli hamkor
*Надёжный партнёр на страховом рынке*

# КОМПАНИЯ ФАОЛИЯТИДАГИ МУҲИМ ВОҚЕАЛАР

# ВАЖНЫЕ СОБЫТИЯ В ДЕЯТЕЛЬНОСТИ КОМПАНИИ

YILLIK HISOBOT ▪ ГОДОВОЙ ОТЧЕТ
2015

**1996**

Таъсисчилар - ЎзР Алоқа вазирлиги корхона ва ташкилотлари томонидан Очиқ акциядорлик жамияти шаклидаги «ALSKOM» суғурта компанияси ташкил этилди.
Компания давлат рўйхатидан ўтди ва Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар Палатасига аъзо бўлди.

**1997**

Миллий суғурта компаниялари билан хавфларни қайта суғуртага бериш бўйича ҳамкорлик ўрнатилди.

**1998**

Компания Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги рўйхатидан ўтди ва MV 001 № 000009 серияли гувоҳномага эга бўлди.

**1999**

Қайта суғурта операцияларини амалга ошириш бўйича Россия Федерациясининг етакчи суғурта компанияси «Интеррос-Согласие» МЧЖ (ҳозирда МЧЖ «Согласие» СК) билан ҳамкорлик йўлга қўйилди.

**2000**

Компания ЎзР Ташқи ишлар Вазирлиги рўйхатида ташқи иқтисодий фаолият иштирокчиси сифатида қайд этилди.

---

**1996**

Учредителями – предприятиями и организациями Министерства связи РУз создана Страховая Компания «ALSKOM» в форме открытого акционерного общества.
Компания прошла государственную регистрацию и стала членом Палаты товаропроизводителей и предпринимателей.

**1997**

Установлено сотрудничество с национальными страховыми компаниями по размещению рисков на перестрахование.

**1998**

Компания прошла регистрацию в Министерстве финансов РУз, ей присвоено свидетельство серии MV 001 № 000009.

**1999**

Начато сотрудничество по осуществлению перестраховочных операций с ведущей страховой компанией Российской Федерации ООО СК «Интеррос-Согласие» (ныне ООО СК «Согласие»).

**2000**

Компания зарегистрирована в Министерстве внешних экономических связей РУз в качестве участника внешнеэкономической деятельности.

**2001**

«ALSKOM» СК негизида Россия Федерациясининг МЧЖ «Интеррос-Согласие» СК билан ҳамкорликда ташкил этилган Ўзбекистон-Россия қўшма суғурта компаниясининг расмий тақдимот маросими бўлиб ўтди.

**2002**

«ALSKOM» Ўзбекистон-Россия қўшма суғурта компанияси Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида тегишли давлат рўйхатидан ўтди (109-сонли гувоҳнома).
Интернет тармоғида Компаниянинг расмий веб-сайти ишга тушди.

**2003**

Компания томонидан ЎзР Молия Вазирлигининг суғурта фаолиятини олиб бориш ҳуқуқини берувчи SF 00020 ва 00026-сонли лицензиялари олинди.
Компания акциядорлари қаторига йирик банк, суғурта ва ахборот-коммуникация соҳаси субъектлари қўшилди.

**2004**

Компания Марказий, Шарқий, Навоий, Ғарбий, Самарқанд ва Бухоро ваколатхоналарини ташкил этди.

**2005**

Компания илк бора нодавлат суғурта компаниялари ичида йирик Россия суғурта компаниясидан хавфларни қайта суғуртага қабул қилиб, фаол қайта суғурталашни амалга оширди.
«SAIPRO» лойиҳа-инжиниринг компанияси томонидан «UzbB+ - мақбул ишончлилик даражаси» рейтинги тақдим этилди.
Компания мажбурий суғуртани амалга ошириш учун ЎзР Молия вазирлигининг лицензиясига эга бўлди.
Компания Қорақалпоғистон Республикасида ҳудудий ваколатхонасини ташкил этди.
«Ўзбекистон почтаси» ОАЖ билан бахтсиз ҳодисалардан суғурталаш полисларини сотиш бўйича ҳамкорлик лойиҳаси йўлга қўйилди.
Компания Фан-техника ва маркетинг тадқиқотлари Маркази билан биргаликда ахборот рискларини суғурталаш маҳсулотини ишлаб чиқиш бўйича тадкиқотларни бошлади.

**2006**

«SAIPRO» рейтинг агентлиги Компания фаолиятини ўзбек суғурта бозорида жадал ривожланиб бораётганлигини қайд этиб, Компания рейтингини «uzB++ - етарли ишончлилик даража»га кўтарди.
Компания Ўзбекистон суғурта компаниялари орасида суғурта мукофотларининг ўсиш ҳажми бўйича 1-ўринни эгаллади.
Компания илк бор ўз фаолияти тарихида йиғилган суғурта мукофотлари ҳажми бўйича миллиардлик маррани забт этди.
Компания Ўзбекистон IT-ассоциациясига аъзо бўлди.
Сурхондарё вилоятида Компаниянинг ҳудудий ваколатхонаси очилди.

## Важные события в деятельности Компании



**2001**

Проведена официальная презентация Узбекско-Российской совместной страховой компании, созданной на базе СК «ALSKOM» совместно с ООО СК «Интеррос-Согласие» Российской Федерации.

**2002**

Узбекско-Российская Совместная Страховая Компания «ALSKOM» прошла государственную регистрацию в Министерстве Юстиции РУз (свидетельство №109).
В сети Интернет создан официальный вэб-сайт Компании.

**2003**

Компанией получены лицензии Министерства финансов РУз серии SF №00020 и №00026 на право осуществления страховой деятельности.
К числу акционеров Компании присоединились крупные хозяйствующие субъекты из банковской, страховой сферы и сферы инфокоммуникаций.

**2004**

Компания открыла Центральное, Восточное, Навоийское, Западное, Самаркандское и Бухарское представительства.

**2005**

Компания впервые из негосударственных страховых компаний осуществила активное перестрахование, приняв на перестрахование риск крупного российского страховщика.
Проектно-инжиниринговой компанией «SAIPRO» присвоен рейтинг надежности «UzbB+ - приемлемый уровень надежности».
Компания получила лицензию Министерства финансов РУз на осуществление обязательного страхования.
Компания открыла региональное представительство в Республике Каракалпакстан.
Запущен совместный проект с ОАО «Узбекистон почтаси» по реализации индивидуальных полисов страхования от несчастных случаев.
Компания совместно с Центром научно-технических и маркетинговых исследований начала исследования по разработке продуктов страхования информационных рисков.

**2006**

Рейтинговое агентство «SAIPRO» отметило деятельность Компании как бурно развивающуюся на узбекском страховом рынке и повысило ее рейтинг до «uzB++ - достаточный уровень надежности».
Компания заняла 1-место по темпу роста страховой премии среди страховых компаний Узбекистана.
Компания впервые за историю своей деятельности преодолела миллиардный рубеж по объему собранных страховых премий.
Компания стала членом IT-ассоциации Узбекистана.
Открыто региональное представительство в Сурхандарьинской области.

## 2007

Компания Ўзбекистон суғурта бозори профессионал иштирокчилари Уюшмасига аъзо бўлди.
Компаниянинг Тошкент, Фарғона, Жиззах, Қашқадарё, Наманган ва Сирдарё вилоятларида ҳудудий ваколатхоналари ташкил этилди.
Компаниянинг Қўқон шаҳрида (Фарғона вилояти), Ғиждувон (Бухоро вилояти), Каттақўрғон (Самарқанд вилояти) ва Амударё (Қорақалпоғистон Республикаси) туманларида бўлинмалари ташкил этилди.

## 2008

Компания тузилмасида транспорт-экспедиторлик фаолияти билан шуғулланувчи «ALSKOM TRANS SERVIS» шўъба корхонаси ташкил этилди.
Компания Ўзбекистон Республикаси қонунчилик ҳужжатлари асосида 2008 йил 22 октябрдан амал қилишни бошлаган транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғуртасини амалга оширишни бошлади.
Компания ҳудудий тармоғининг ваколатлари кенгайтирилди, барча ҳудудий ваколатхоналар филиалларга айлантирилди ҳамда уларга суғурта ҳодисаларини кўриб чиқиш ҳамда суғурта қопламасини амалга ошириш ҳуқуқи берилди.
Суғурта ҳисобини юритиш тизими автоматлаштирилди ва ҳудудий филиалларга масофавий уланган ягона маълумотлар базаси яратилди.
«SAIPRO» рейтинг агентлиги Компаниянинг ишончлилик рейтингини «uzB++» дан «uzA – юқори молиявий ишонч» даражасига оширди.
Компания Тошкент молия институтида «Суғурта иши» йўналиши бўйича бакалавриат ва магистратура талабалари орасида «Энг яхши битирув малакавий иши», «Энг яхши магистрлик диссертацияси» ва «Энг яхши суғурта маҳсулоти» номинациялари бўйича ҳар йили ўтказиладиган танловни йўлга қўйди.
Компания «Етакчи суғурта компанияси» номинацияси бўйича Диплом ва «Суғурта фаолияти ўсиш суръатлари бўйича пешқадам» номинацияси бўйича «Олтин соябон» мукофоти билан тақдирланди.

## 2009

Компания Ўзбекистон Республикаси қонунчилик ҳужжатлари асосида 2009 йил 18 октябрдан амал қилишни бошлаган иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғуртасини амалга оширишни бошлади.
Компания «Ахборот рискларини суғурталаш» суғурта маҳсулоти учун «Энг яхши инновацион суғурта маҳсулоти» номинацияси бўйича «Олтин соябон» мукофоти билан тақдирланди.
Компания ахборот рискларини суғурталашни амалга ошира бошлади.

## 2007

Компания стала членом Ассоциации профессиональных участников страхового рынка Узбекистана.
Открыты региональные представительства в Ташкентской, Ферганской, Джизакской, Кашкадарьинской, Наманганской и Сырдарьинской областях.
Открыты отделения в городах Коканд (Ферганская область), Гиждуван (Бухарская область), Каттакурган (Самаркандская область) и в Амударьинском районе (Республика Каракалпакстан).

## 2008

В структуре Компании создано дочернее предприятие «ALSKOM TRANS SERVIS», осуществляющее деятельность в сфере транспортно-экспедиторских и иных услуг.
Компания приступила к реализации обязательного страхования гражданской ответственности владельцев транспортных средств, введенного с 22 октября 2008 года соответствующими законодательно-нормативными актами Республики Узбекистан.
Расширены функции региональной сети Компании, все региональные представительства преобразованы в филиалы, с передачей им полномочий рассмотрения страховых случаев и осуществления страховых выплат.
Автоматизирована система страхового учета, создана единая база данных с удаленным подключением всех региональных подразделений.
Рейтинговое агентство «SAIPRO» повысило рейтинг надежности Компании с «uzB++» на «uzA - высокая финансовая надежность».
Компания организовала ежегодный конкурс с денежными вознаграждениями в Ташкентском финансовом институте среди студентов бакалавриата и магистратуры, обучающихся по направлению «Страховое дело» по номинациям «Лучшая дипломная работа», «Лучшая магистерская диссертация» и «Лучший страховой продукт».
Компания награждена Дипломом в номинации «Ведущая страховая компания» и стала обладателем общественной премии «Олтин соябон» в номинации «Лидер по динамике развития страховой деятельности».

## 2009

Компания приступила к реализации обязательного страхования гражданской ответственности работодателя, введенного с 18 октября 2009 года соответствующими законодательно-нормативными актами Республики Узбекистан.
Компания стала обладателем общественной премии «Олтин соябон» в номинации «Лучший инновационный страховой продукт» за страховой продукт «Страхование информационных рисков».
Компания приступила к реализации страхования информационных рисков.

## 2010

Мамлакатимиз ҳудуди бўйлаб 5 та янги бўлинма ташкил этилди. Хусусан, Наманган вилоятида 2 та бўлинма, Андижон, Фарғона вилоятларида, шунингдек Тошкент шаҳрида биттадан бўлинма ташкил этилди.
Компания Тошкент ахборот технологиялари университетида «Иқтисодиёт» ва «Менежмент» йўналишлари бўйича бакалавриат ва магистратура талабалари орасида «Энг яхши битирув малакавий иши», «Энг яхши магистрлик диссертацияси» ва «Энг яхши суғурта маҳсулоти» номинациялари бўйича ҳар йили ўтказиладиган танловни йўлга қўйди.
Компаниянинг Марказий аппарати, Навоий ва Наманган филиаллари учун янги бинолар сотиб олинди.
Компания иккинчи маротаба «Ахборот рискларини суғурталаш» суғурта маҳсулоти учун «Энг яхши инновацион суғурта маҳсулоти» номинацияси бўйича «Олтин соябон» мукофоти билан тақдирланди.
Компания Бош директори Т.К. Иминов «Суғурта соҳасида илмни ривожлантириш ва мутахассисларни тайёрлашда қўшган ҳиссаси» номинацияси бўйича «Олтин соябон» мукофоти билан тақдирланди.

## 2011

Мамлакатимиз ҳудуди бўйлаб, айниқса қишлоқ жойларда 7 та бўлинма ташкил этилди. Булардан 3 та бўлинма Фарғона вилоятида, биттадан бўлинма Андижон, Қашқадарё, Самарқанд ҳамда Тошкент вилоятларида ташкил этилди.
Мижозларга хизмат кўрсатиш даражасини ошириш, қўшимча хизматларни яратиш мақсадида, Компаниянинг Қорақалпоғистон ва Андижон филиаллари ҳамда «Кеш» Суғурта маркази (Қашқадарё филиали)га офис бинолари фойдаланишга топширилди.

## 2012

Компания касалликдан эҳтиёти шарт суғурталаш класси бўйича Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг лицензиясини олди ва ихтиёрий тиббий суғурта бўйича хизматларни жорий қилди.
Мамлакатимиз ҳудуди бўйлаб 15 та янги бўлинма ташкил этилди. Хусусан, 3 та бўлинма Тошкент шаҳрида, 2 тадан бўлинма Жиззах, Қашқадарё, Андижон вилоятларида ва Қорақалпоғистон Республикасида, ҳамда биттадан бўлинма Наманган, Самарқанд, Сирдарё ва Фарғона вилоятларида ташкил этилди.
Компаниянинг Сурхондарё филиали офис биноси билан таъминланди.
«SAIPRO» ахборот-рейтинг агентлиги Компания рейтингини «uzA+ - жуда юқори молиявий ишончлилик» даражасига кўтарди.

## 2010

Созданы 5 новых отделений в регионах страны. В частности, 2 отделения в Наманганской области и по одному отделению в Андижанской, Ферганской областях, а также в городе Ташкенте.
Компания организовала ежегодный конкурс с денежными вознаграждениями в Ташкентском университете информационных технологий среди студентов бакалавриата и магистратуры, обучающихся по направлению «Экономика» и «Менежмент» по номинациям «Лучшая дипломная работа», «Лучшая магистерская диссертация» и «Лучший страховой продукт».
Приобретены новые здания для Центрального аппарата, Навоийского и Наманганского филиалов Компании.
Компания во второй раз стала обладателем общественной премии «Олтин соябон» в номинации «Лучший инновационный страховой продукт» за страховой продукт «Страхование информационных рисков».
Генеральный директор Компании Т.К. Иминов был удостоен премии «Олтин соябон» в номинации «За вклад в развитие науки и подготовку специалистов страхового дела».

## 2011

Созданы 7 отделений в регионах страны, в особенности в сельской местности. Из них три отделения созданы в Ферганской области, по одному отделению в Андижанской, Кашкадарьинской, Самаркандской и Ташкентской областях.
В целях повышения уровня обслуживания клиентов, создания дополнительных сервисных услуг сданы в эксплуатацию собственные офисные здания Каракалпакского и Андижанского филиала, а также Страхового центра «Кеш» (Кашкадарьинский филиал) Компании.

## 2012

Компания получила лицензию Министерства финансов Республики Узбекистан на страхование на случай болезни и внедрила услуги по добровольному медицинскому страхованию.
Созданы 15 новых отделений в регионах страны. В частности, три отделения в городе Ташкенте, по 2 отделения в Джизакской, Кашкадарьинской, Андижанской областях и Республике Каракалпакстан, а также по одному отделению в Наманганской, Самаркандской, Сырдарьинской и Ферганской областях.
Сурхандарьинский филиал Компании обеспечен собственным офисным зданием.
Информационно-рейтинговое агентство «SAIPRO» повысило рейтинг Компании до уровня «uzA+ - очень высокая финансовая надежность».

**2013**

Мамлакатимиз ҳудуди бўйлаб 8 та янги бўлинма ташкил этилди. Хусусан, 3 та бўлинма Фарғона вилоятида, 2 тадан бўлинма Сурхондарё ва Навоий вилоятларида ва битта бўлинма Жиззах вилоятида ташкил этилди.

Компания қўшимча акцияларни эмиссия қилиш йўли билан устав капиталини 5,7 млрд. сўмга оширди.

**2014**

Компания миллий суғурта бозорида биринчи бўлиб мобил банкинг тизими орқали суғурта полисларини онлайн сотуви бўйича «Интернет-дўкон»ни ишга туширди.

Мамлакатимиз ҳудуди бўйлаб, айниқса қишлоқ жойларда 22 та бўлинма ташкил этилди. Хусусан, Андижон, Қашқадарё, Наманган, Самарқанд ва Бухоро вилоятларида ҳамда Тошкент шаҳрида 2 тадан бўлинма, Хоразм, Тошкент, Сурхондарё ва Жиззах вилоятларида биттадан бўлинма ва Фарғона вилоятида 6 та бўлинма ташкил этилди.

Компаниянинг Хоразм филиали ва «Дархон» бўлинмаси (Андижон филиали) офис бинолари билан таъминланди.

**2015**

Компания Бош директори Т.К. Иминов «Суғурта бозори профессионал иштирокчиларининг энг яхши раҳбари» номинацияси бўйича «Олтин соябон» мукофоти билан тақдирланди.

Компания ташувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш бўйича Суғурта пулига аъзо бўлди.

Компаниянинг Қашқадарё филиали учун янги офис биноси фойдаланишга топширилди.

Суғурта полисини сотиб олишда буюртмани расмийлаштириш имкониятини осонлаштирувчи, Компания веб-сайтининг янгиланган кўриниши жорий қилинди.

Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш бўйича суғурта полиси муддатининг тугаши ҳақида суғурта қилдирувчиларга СМС хабарнома юбориш тизими жорий қилинди.

Республикамизнинг узоқ ҳудудларида 12 та бўлинма ташкил этилди. Хусусан, «Элликкалъа» (Қорақалпоғистон Республикаси), «Балиқчи» ва «Навоий Шох» бўлинмалари (Андижон вилояти), Бухоро вилоятининг Ғиждувон туманида Суғурта маркази, «Навбахор» бўлинмаси (Навоий вилояти), «Поп» бўлинмаси (Наманган вилояти), «Шўрчи» бўлинмаси (Сурхондарё вилояти), «Олтиарик», «Қиргули», «Яйпан» ва «Бувайда» бўлинмалари (Фарғона вилояти), «Хазорасп» бўлинмаси (Хоразм вилояти).

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан умумий суғурта тармоғининг ўн учта классlari бўйича суғурта фаолиятини амалга ошириш учун Компанияга янги лицензия (30.12.2015 й. СФ 00211) тақдим этилди.

# Важные события в деятельности Компании

## 2013

Были открыты 8 новых отделений в регионах страны. В частности, три отделения созданы в Ферганской области, по два отделения в Сурхандарьинской и Навоийской областях и одно отделение в Джизакской области.
Компания увеличила уставной капитал до 5,7 млрд. сум путем дополнительной эмиссии акций.

## 2014

Компания первым на отечественном страховом рынке внедрила «Интернет-магазин» по онлайн-продаже страховых полисов через систему мобильного банкинга.
Созданы 22 отделений в регионах страны, в особенности в сельской местности. Из них по два отделения в Андижанской, Кашкадарьинской, Наманганской, Самаркандской и Бухарской областях, а также в городе Ташкенте, по одному отделению в Хорезмской, Ташкентской, Сурхандарьинской и Джизакской областях и 6 отделений в Ферганской области.
Хорезмский филиал и отделение «Дархон» (Андижанский филиал) Компании обеспечены собственным офисным зданием.

## 2015

Генеральный директор Компании Т.К. Иминов был удостоен премии «Олтин соябон» в номинации «Лучший руководитель профессионального участника страхового рынка».
Компания вступила в Страховой пул по обязательному страхованию гражданской ответственности перевозчика.
Сдано в эксплуатацию новое офисное здание для Кашкадарьинского филиала Компании.
Внедрена обновленная версия веб-сайта Компании, упрощающая возможность оформления заказа на приобретение страхового полиса.
Внедрена система СМС информирования страхователей об истечении срока действия страховых полисов по обязательному страхованию гражданской ответственности владельцев транспортных средств.
Созданы 12 отделений в отдаленных регионах Республики. В частности, отделение «Элликкалъа» (Республика Каракалпакстан), отделения «Баликчи» и «Навоий Шох» (Андижанская область), Страховой центр в Гиждуванском районе Бухарской области, отделение «Навбахор» (Навоийская область), отделение «Поп» (Наманганская область), отделение «Шўрчи» (Сурхандарьинская область), отделения «Олтиарик», «Киргули», «Яйпан» и «Бувайда» (Ферганская область), отделение «Хазорасп» (Хорезмская область).
Министерством финансов Республики Узбекистан Компании была выдана новая лицензия (СФ 00211 от 30.12.2015 г.) на осуществление страховой деятельности по тринадцати классам в отрасли общего страхования.

# Компаниянинг 20 йиллик фаолияти йиғма кўрсаткичлари

## Сводные показатели за 20 лет деятельности Компании

| | |
|---|---|
| Тузилган суғурта шартномалари сони, млн. дона<br>Количество заключенных договоров страхования, млн. штук | 2,2 |
| Қабул қилинган суғурта мажбуриятлари ҳажми, трлн. сўм<br>Объем принятых страховых обязательств, трлн. сум | 26,5 |
| Йиғилган суғурта мукофоти ҳажми, млрд. сўм<br>Объем собранной страховой премии, млрд. сум | 119,5 |
| Тўланган суғурта қопламалари ҳажми, млрд. сўм<br>Объем произведенных страховых выплат, млрд. сум | 9,8 |
| Жами олинган соф фойда, млрд. сўм<br>Полученная чистая прибыль всего, млрд. сум | 11 |
| Инвестицияга йўналтирилган маблағлар, млрд. сўм<br>Инвестированные средства, млрд. сум | 134,5 |
| Суғурталанган шахслар сони, млн. киши<br>Количество застрахованных лиц, млн. чел. | 2,07 |
| Ихтиёрий ва мажбурий шаклда суғурталанган транспорт воситалари сони, минг дона<br>Количество застрахованных транспортных средств, в добровольной и обязательной форме, тыс. ед. | 930 |

# Компаниянинг ташкилий тузилмаси

## Организационная структура Компании



ALSKOM®

SUG'URTA KOMPANIYASI

СТРАХОВАЯ КОМПАНИЯ

20 Yil

Лет

Sug'urta bozorida ishonchli hamkor

*Надёжный партнёр на страховом рынке*

# СУҒУРТА ФАОЛИЯТИ

# СТРАХОВАЯ ДЕЯТЕЛЬНОСТЬ

YILLIK HISOBOT ▪ ГОДОВОЙ ОТЧЕТ

2015

Компания суғурта фаолиятининг ривожланиши янги суғурта маҳсулотларини ишлаб чиқиш ва жорий қилиш ҳамда мавжуд суғурта маҳсулотларини такомиллаштиришга қаратилган доимий тадқиқотларга таянади. Бу эса ўз навбатида, кўрсатиладиган суғурта хизматлари диверсификациясини, истеъмол сегменти кенгайишини ва Компаниянинг бозордаги рақобатбардошлигини кучайишини таъминлайди. Бу йўналишда Компаниянинг асосий тамойили хизмат кўрсатишни яхшилаш ва замонавий хизмат кўрсатиш усулларини жорий қилиш йўли билан истеъмолчиларнинг кенг қатламини сифатли ва ишончли суғурта хизматлари билан таъминлаш ҳисобланади.

Хизмат кўрсатишдаги бундай сиёсатни қатъий сақлаш туфайли Компания ҳар йили юқори фаолият кўрсаткичларини намойиш этмоқда.

2015 йилда жами тузилган суғурта шартномалари сони 407 минг донадан ошди. Ушбу кўрсаткич бўйича Компания  миллий суғурта бозорининг етакчи учталигига кирди. Тузилган суғурта шартномаларининг салмоқли қисми суғурта полисларини аҳоли ўртасида, айниқса олис ҳудудлардаги қишлоқ жойларда кенг сотилиши ҳисобига таъминланди.

Развитие страховой деятельности Компании базируется на постоянных исследованиях, направленных на разработку и внедрение новых и совершенствовании имеющихся страховых продуктов. Это в свою очередь обеспечивает диверсификацию оказываемых страховых услуг, расширение потребительского сегмента и усиление ее конкурентоспособности на рынке. Главным принципом Компании в этом деле является обеспечение качественными и надежными страховыми услугами широкого круга потребителей, путем улучшения сервиса обслуживания и внедрения современных методов оказания услуг.

Благодаря сдержанной политике в оказании услуг, Компания ежегодно демонстрирует высокие результаты деятельности.

Общее количество заключенных договоров в 2015 году составило свыше 407 тыс. единиц. По данному показателю Компания вошла в тройку лидеров национального страхового рынка. Большая часть заключенных договоров страхования обеспечена за счет широкой реализации страховых полисов среди населения, в особенности в отдаленных сельских местностях.

Суғурта шартномаларининг ўсиш динамикаси, дона

Динамика роста заключенных договоров, шт.



Компания суғурта хизматлари кўламини кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратади, шу сабабли, суғурта шартномалари сони бўйича мижозлар базаси тузилмасида жисмоний шахсларнинг улуши тобора ортиб бормоқда.

Компания суғурта мукофотларининг ўсиш тенденциясини дадил давом эттирмоқда. 2015 йилда йиғилган суғурта мукофотлари ҳажми 32,2 млрд. сўмни ташкил қилди, бу эса 2014 йил кўрсаткичига нисбатан 30,2% га кўп демакдир. Ҳисобот йилида жами суғурта мажбуриятларининг ҳажми 8,6 трлн. сўмни, ўсиш – 161% ни ташкил қилди.

Суғурта мажбуриятлари ҳажмининг ўсиш суръатини суғурта мукофотлари ўсиш суръатига нисбатан кескин ортиши Компаниянинг маъқул суғурта ҳимояси тақдим этиш орқали мижозларни жалб этишга интилиши натижаси ҳисобланади.

2015 йилда барча суғурта йўналишлари бўйича суғурта мукофотлари ҳажмининг миқдорий ўсиши кузатилди. Шунга қарамасдан, суғурта мукофотларининг салмоқли ҳажми банк суғуртасига тўғри келди. Компания суғурта портфелида банк суғуртасининг етакчилик қилишига сабаб, банк секторида кредит фаолиятининг фаоллашишига олиб келган, Республикада тадбиркорликнинг ривожланиши ҳисобланади.

Компания уделяет особое внимание расширению спектра страховых услуг, в связи с этим, увеличивается доля физических лиц в структуре клиентской базы по количеству договоров страхования.

Компания уверенно продолжает тенденцию роста сборов страховых премий. В 2015 году сумма собранных страховых премий составила 32,2 млрд. сум, что на 30,2% больше показателя 2014 года. Совокупный объем страховых обязательств в отчетном году составил более 8,6 трлн. сум, рост - 161%.

Опережение темпа роста обязательств по сравнению с ростом страховых премий является результатом стремления Компании к привлечению клиентов за счет предоставления им приемлемой страховой защиты.

В 2015 году наблюдался количественный рост сбора страховых премий по всем направлениям страхования. Тем не менее, солидная доля страховых премий пришлась на банковское страхование. Причиной доминирования банковского страхования в страховом портфеле Компании является развитие предпринимательства в Республике, которое повлекло активацию кредитной деятельности банковского сектора.

**2015 йилда суғурта шартномалари сони бўйича мижозлар базасининг тузилмаси, %**

**Структура клиентской базы по количеству договоров в 2015 году, %**



| | |
|---|---|
| 92,6 | Жисмоний шахслар<br>Физические лица |
| 4,6 | Кичик ва хусусий бизнес ташкилотлари<br>Предприятия малого и частного бизнеса |
| 1,7 | Давлат улушига эга ташкилотлар<br>Предприятия с долей государственного участия |
| 0,7 | Давлат ташкилотлари<br>Государственные учреждения |
| 0,3 | Бошқалар<br>Другие |
| 0,1 | Қўшма ва хорижий ташкилотлар<br>Совместные и иностранные предприятия |

**Суғурта мукофотларининг ўсиш динамикаси, млрд. сўм**

**Динамика роста страховых премий, млрд. сум**




**Суғурта мажбуриятларининг ўсиш динамикаси, трлн. сўм**

**Динамика роста страховых обязательств, трлн. сум**




**2015 йилда суғурта йўналишлари бўйича суғурта мукофотларининг тузилмаси, %**

**Структура страховых премий по направлениям страхования в 2015 году, %**



| | |
|---|---|
| 30,1 | Банк суғуртаси<br>Банковское страхование |
| 28,8 | Транспорт суғуртаси<br>Транспортное страхование |
| 19,9 | Мулкий суғурта<br>Имущественное страхование |
| 12,7 | Шахсий суғурта<br>Личное страхование |
| 8,5 | Жавобгарлик суғуртаси<br>Страхование ответственности |

20 йил ичида Компания мулкий суғурта портфелини жисмоний ва юридик шахсларга мўлжалланган янги суғурта маҳсулотлари билан кенгайтирди. Бугунги кунда мулкий суғурта бўйича фаол сотилаётган турларга қуйидагилар киради:

- мол-мулк суғуртаси;
- электрон техника суғуртаси;
- юк суғуртаси;
- қурилиш-монтаж рисклари суғуртаси;
- ахборот рисклари суғуртаси;
- кўп йиллик мевали, манзарали дарахтлар ва токлар ҳамда уларнинг кўчатларини табиий офат ва бошқа қалтисликлардан зарарланиши ёки нобуд бўлишидан суғурта қилиш;
- фуқароларга тегишли уй-жой, квартира, далаҳовли ва мулкнинг бошқа турларини суғурталаш бўйича «Мулкдор» суғурта полиси;
- фуқароларга тегишли савдо-мажмуаларини суғурталаш бўйича «Савдо мажмуаси» суғурта полиси.

2015 йилда мулкий суғурта бўйича тузилган суғурта шартномалари сони 9 мингга яқин донани, суғурта мукофотлари ҳажми 6,4 млрд. сўмни ташкил қилди, қабул қилинган суғурта мажбуриятлари ҳажми эса 1,2 трлн. сўмдан ортди.

За 20 лет Компания значительно расширила портфель имущественного страхования новыми видами страховых продуктов, предназначенных для физических и юридических лиц. На сегодняшний день к активно реализуемым видам по имущественному страхованию относятся:

- страхование имущества;
- страхование электронной техники;
- страхование грузов;
- страхование строительно-монтажных рисков;
- страхование информационных рисков;
- страхование многолетних фруктовых и декоративных деревьев от стихийных бедствий и других рисков;
- страхование жилья, дач и прочих видов имущества граждан «Мулкдор»;
- страхование торговых точек граждан «Савдо мажмуаси».

В 2015 году общее количество заключенных договоров страхования по имущественному страхованию составило около 9 тыс. единиц, сбор страховых премий по которым составил 6,4 млрд. сум, а объем принятых на страхование обязательств более 1,2 трлн. сум.

**Мулкий суғурта бўйича суғурта мукофотлари портфелининг тузилмаси, %**

**Структура портфеля страховых премий по имущественному страхованию, %**



| | |
|---|---|
| 70 | Мол-мулк суғуртаси<br>Страхование имущества |
| 15,2 | Қурилиш-монтаж рисклари суғуртаси<br>Страхование строительно-монтажных рисков |
| 10,1 | Электрон техника суғуртаси<br>Страхование электронной техники |
| 2,2 | Фуқароларнинг турли хил мол-мулкини суғурталаш<br>Страхование различных видов имущества граждан |
| 1,6 | Ахборот рисклари суғуртаси<br>Страхование информационных рисков |
| 0,9 | Юк суғуртаси<br>Страхование грузов |

# Транспорт суғуртаси

## Транспортное страхование

Транспорт суғуртаси - суғурта хизматлари бозоридаги энг тез ривожланиб бораётган ва талаб юқори бўлган йўналишлардан ҳисобланади. Сўнгги йилларда Компанияда ҳам ушбу йўналишнинг жадал ривожланиши кузатилмоқда. Бунга Компаниянинг транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш сегментидаги фаол иштироки сабаб бўлмоқда.

Бугунги кунда Компания мижозларга суғурта ва суғурта ҳодисасидан сўнг хизмат кўрсатишнинг такомиллаштирилган тизимига эга. Буни Республиканинг барча ҳудудлари бўйлаб тарқалган жиҳозланган сотув шаҳобчалари ҳамда суғурта ҳодисаси юз берганда мижозларга сифатли хизматларни кўрсатувчи, юз берган суғурта ҳодисалари бўйича аризаларни кечаю-кундуз қабул қилинишини, шунингдек суғурта ҳодисаси жойига ўз вақтида чиқиш, текширувдан ўтказиш ва зарур ҳолларда уни ташиш учун эвакуатор хизматини чақиришни таъминлайдиган ихтисослашган ассистанс хизматининг мавжудлиги тасдиқламоқда.

Бундан ташқари, мижозларга хизмат кўрсатишнинг замонавий тизимини жорий қилиш мақсадида, Компанияда транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш (ТВЭФЖМСҚ) ва КАСКО-Комплект суғурта полисларини мобил банкинг тизими орқали онлайн сотуви бўйича «eshop.alskom.uz» электрон дўкон амал қилмоқда. Ушбу тизим суғурта қилдирувчиларга Компания сайтида ариза-анкетани тўлдириб, ҳеч қандай қийинчиликсиз, суғурта полиси учун тўловни электрон тўлов тизими орқали тўлаб, қисқа муддатларда курьер орқали суғурта полисини олиш имконини беради.

Хизмат кўрсатишни такомиллаштириш ушбу йўналиш кўрсаткичларининг ўсишига туртки бўлмоқда. 2015 йилда сотилган суғурта полислари сони 2014 йил кўрсаткичига нисбатан 50 минг донага ошди ва 221 799 донани ташкил қилди.

2015 йилда ушбу йўналиш бўйича йиғилган жами суғурта мукофотлари ҳажми 9,3 млрд. сўмни, ўсиш эса ўтган йилга нисбатан 136,6% ни ташкил қилди.

**ТВЭФЖМСҚ бўйича йиғилган суғурта мукофотлари динамикаси, млрд. сўм**
**Динамика сбора страховых премий по ОСГО, млрд. сум**



Транспортное страхование является наиболее динамично развивающимся и востребованным направлением на рынке страховых услуг. За последние годы и в Компании наблюдается стремительное развитие данного направления. Этому способствует активное участие Компании в сегменте обязательного страхования гражданской ответственности владельцев транспортных средств.

На сегодняшний день Компания имеет улучшенную систему страхового и постстрахового обслуживания клиентов. Этому свидетельствует наличие распространённых по всей территории Республики оборудованных пунктов продаж и специализированной ассистанс службы, качественно обслуживающей клиентов при страховом случае с обеспечением круглосуточного приема заявок по произошедшим страховым случаям, а также своевременного выезда на место страхового случая, с проведением осмотра и, при необходимости, вызова эвакуаторной службы для его транспортировки.

